

“РАШАХОТ АЙН УЛ-ҲАЁТ” – ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИГА ОИД МУҲИМ АСАР СИФАТИДА

Мавлянов У., ГулДУ ўқитувчиси

Темурийлар даври миллий тарихимизда муҳим бир босқич бўлиб, ўзининг алоҳида ўрни билан ажралиб туради. Мазкур даврнинг етук алломаларидар бири – Фахруддин Али Сафийдир. Аллома яшаган даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўта мураккаб тарихий-сиёсий, диний-мафкуравий жараёнлар содир бўлаётган эди. Унинг энг машҳур ва кенг тарқалган шоҳ асари “Рашахот-ул-айн-ал-ҳаёт”дир. Бу асар 909 хижрий-1503 милодий йили ёзиб тугатилган. Бу бирламчи манбанинг кўплаб қўлёзма нусхалари бизгача етиб келган. Хусусан, унинг 20 га яқин қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Бугунга келиб, “Рашахот айн ул-ҳаёт”нинг XIX аср Хоразм таржима мактаби вакилларида Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад ўғли (1840 й.) амалга оширган эски ўзбек тилига таржимаси XX асрнинг 90-йиллари бошларидан бошлаб ҳозирги ўзбек тилига аввал Маҳмуд Ҳасаний Маҳзумзода томонидан кирилл алфбосида табдил этилиб, “Фан ва турмуш”, “Мулоқот” журналларида қискартирилган тарзда, 2003 йилдан бошлаб М.Ҳасаний, Б.Умрзоқлар ҳамкорлигида тўла ва анчагина катта ададларда нашр этилди.

“Рашахот айн ул-ҳаёт”да Мовароуннаҳрда ўрта асрларда ривожланган тасаввуф ва унинг тариқатлари, умуман, ижтимоий-фалсафий, сиёсий ва диний-ахлоқий фикр тараққиёти, ўз даври ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, муносабатлари ўз аксини топган. Асар муаллифнинг таъкидига кўра, нақшбандия тариқатининг етук намояндаси Хожа Аҳрор ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлса-да, унда темурийлар давлат бошқаруви, маданий сиёсати, мирзоларнинг ўзаро урушлари ва даврининг бошқа жиҳатлари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Шунингдек, миллий давлатчилигимиз ва унинг буюк сиймолари, давлат ва халқ, жамият ва давлат, дин ва давлат, ислом, тариқат ва тасаввуф, оддий халқ - омма ва Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор каби шахсларнинг муносабатлари, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий жараёнлар, уларда амал қилган қонунлар, маънавий-ирфоний изланишларга оид бой манбавий маълумотлар, кузатиш ва хулосалар мавжуд. “Ўрта Осиёнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда, - деб ёзган эди академик Б.Аҳмедов,- ас-Сафийнинг, айниқса “Рашахот” асари муҳим ўрин тутди”.

Мазкур асарнинг учинчи мақсад (боб)и Хожа Аҳрор ҳаёти ғаройиботлари, фаолияти, тасаввуфий риёзатлари давомида намоён этган фавқуллодда воқеалар, тасарруфотлари таҳлил этилган. Унинг биринчи фаслида ўз замонасидаги ҳокимият, иқтидор соҳиблари – ҳукмдорлар ва султонларни, хусусан, Султон Абу Саид Мирзонинг Хожа Аҳрор каромати, қатъий йўл кўрсатиши воситасида Мирзо Абдуллох устидан ғолиб келиб, 1451 йилда Самарқанд тахтини эгаллаганлиги, Хуросон султони Мирзо Бобурнинг Самарқандни эгаллашга бўлган ҳаракати, Мирзо Султон Маҳмуд билан Султон Аҳмад Мирзоларнинг Самарқанд учун уруш қўзғатишга уринишларини бартараф этгани, Султон Аҳмад Мирзо, Мирзо Умаршайх ва Султон Маҳмудхонлар ўртасида Шохрухия, Ўратепа, Оққўрғон учун урушини олдини олиб сулҳга олиб келинганлиги билан боғлиқ фаолияти кўрсатиб берилган. Иккинчи фасл Хожа Аҳрор фавқуллодда қобилият ва мўъжизалари ҳақида асҳобларидан нақл қилинган маълумотлар келтирилиб ўтилиб, таҳлил этилган. Ушбу фаслда ҳам темурийлардан Мирзо Бобур даврида Қози Андижонийга Хожа Аҳрор 1382-1384 йилларда қилган башорати унинг вафотдан 10 йил ўтгач, яъни мазкур Қози Андижоний Мирзо Бобур давлатининг шайхулисломи, Садри Аъзами ва Оталиқ-Аткаси бўлганлиги баёни ва таҳлили берилади.

Темурийлардан Мирзо Абдулло Самарқанд ҳукмдори бўлиб турганда (1449-1450) унинг давлат идора ва бошқаруви таназзули, бош-бошдоклик, зулм, фиску-фасод авж олиб бораётганини кўрган Хожа Аҳрор унинг қабулига келганда маъмурлар жоҳил, бефаросатларча “бу тоғлик дарвеш шайх хаёлпарастлиги” устидан кулиб, уни қабулга киритмаганларида, Хожа Аҳрор юкоридаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда уларга қарата: “Бизни султоннинг ихтилотига (Аллоҳ таоло) амр этиб турурлар ва биз ўз ихтиёримиз била келганимиз йўқ турур. Агар сизнинг Мирзонгиз парво этмаса яна бирини келтириб кўярларким, парво этар!”, -деб огоҳлантирган. Лекин Мирзо Абдулло сарой мансабдорлари бунга эътибор бермаганларидан сўнг Хожа Аҳрор дейди: “Бизнинг муҳимимиз бу подшоҳдин ва онинг умаросидин кифоя топмасдур!” ва шул куни, деб давом этади Али Сафий, Хожа Аҳрор, Тошкандга мутаважжих бўлдилар. Бир ҳафтадин сўнг Абу Саъид Мирзо Туркистоннинг ақсосидин зухур этуб, Мирзо Абдуллонинг устига келиб, они қатлга еткурди”.

“Рашаҳот” маълумотларига кўра, ҳукмдорлар орасида уруш бошланиши хавфи асносида ҳам Хожа Аҳрор, Али Сафий алоҳида таъкидлашича, Абу Саид Мирзога у агар Самарқандни адл-инсоф, шариат ҳимояси, қафолатини қарор топтириш учун борсагина, уни дуои-хайр этиши мумкинлигини айтиб, огоҳлантирган. Абу Саид Мирзо Самарқанд тахтига ўтирган ва деярли 20 йил ҳукмдорлик қилган. Бундай султонлар ўртасига тушиш, Султон Аҳмад Мирзо давлатини ҳалокатдан қутқариш, аҳоли тинч-осуда ҳаётини таъминлаш Хожа Аҳрор томонидан Мирзо Абулқосим Бобур юз минг кўшин билан Хуросондан Самарқандни олиш учун келганда ҳам шиддат билан қатъий азму-жаҳд билан амалга оширилганлигини Али Сафий “Рашаҳот...”да муфассал келтириб ўтган. “Рафъи ниёз эткондин сўнг... Самарқандни қасд этмак муносиб кўринмасдир. Ҳақ субҳонаху бу ишга буюрғон йўқ турур... Ўз биродарингизнинг юзига тиг тортмоғ Сиз ҳазратнинг мулозимларидин нечук муносибдур...Ҳаммаларингиз якдил ва якжиҳат бўлуб, ишларниким, мақоми нуқсонда турур, тамом этунг. Ҳақ субҳонаху(нинг) бандалари бордурким, оларга қасди маҳораба этмакни ўз нафсига қасду маҳораба этмак ва жафо этмак деб турур”.

Хожа Аҳрорнинг бундай фаоллиги, айниқса, Тошкент, Ўратепа, Шохрухия минтақасини олиш учун Султон Аҳмад Мирзога уруш очган Маҳмудхон ва Умаршайх Мирзоларни сулҳга келтириш воқеасида яққол намоён бўлиб, самарали натижа келтирган. Хожа Аҳрор Султон Маҳмудхонни олиб келиб, улар билан кўриштирганлар, сўнг Умаршайх Мирзони келтирганда, у катта ақаси бўлмиш Султон Аҳмад Мирзонинг “қўлини юзига суртиб йиғлаган”, у эса Умаршайх Мирзонинг бўйнини ўпиб, ҳар иккиси ҳам йиғлар эрдилар. Бироқ барча аскарлар ҳамон от устида, ўзаро бир-бирларига ёпирилиш ҳолатида эдилар. “Вақтиким, таомдин фориғ бўлдилар, аҳд этдилар ва ўрталарида сулҳ воқеъ бўлди. Ҳазрати Эшон Тошкандни Султон Аҳмад Мирзодин Султон Маҳмудхон учун олдилар ва аҳдномани фақир (яъни Али Сафий) ёздим. Фотиҳани ўқуб, ўринларидан турдилар”.

Али Сафийнинг ўз сўзиларидан маълум бўлмоқдаки, у Ҳазрати Эшон одами ҳисоблансада, уч подшоҳ давлатлари ўртасида, энг қалтис уруш шароитида баъзи дипломатик, сулҳ тузиш ишларини бажарган, яъни дипломатик протокол ишларида қатнашган.

Али Сафийнинг диний-ирфоний мероси XV-XVI аср Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий фикри таракқиётида сезиларли ҳодиса, қимматли манба бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса Али Сафий қарашлари, асарларининг бугунги кундаги илмий ва амалий катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” Хожа Аҳрор йўлидан юрган тасаввуф вакиллари, уларнинг ҳаёти, валоятлари, тасарруфлари, муридлари, оиласи ва авлодларига бағишланган асар бўлса-да унда темурийлар тарихи тарихшунослигига оид ўта қимматли, бирламчи аҳамиятга эга маълумотлар ҳам келтирилган.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2001.
3. Бобохонов Ш., Мансуров А. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. –Т.: Мовароуннахр, 1993.
4. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989.
5. Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. –Т.: Абу Али ибн Сино, 2003.
6. Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт. –Т.: Абу Али ибн Сино, 2004.